



---

RECESSIVE AND UNIQUE ASPECTS OF VERBALIZERS OF THE CONCEPT  
OF "COMPARISON".

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10130548>

Ashurov Momin Umarjonovich

**“ҚИЁС” КОНЦЕПТИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ РЕЦЕССИВ ВА  
УНИКАЛ ЖИХАТЛАРИ.**

Ашуров Мўмин Умаржонович

Қиёс концептининг яна бир ўзига хос жиҳатларидан бири бу унинг рецессив жиҳатидир. Маълумки “қиёс” концептуал семантикаси турли тил воситалари яъни уни воқеълантирувчи вербализаторлари орқали ифодаланadi. Бу жараёда “қиёс” коцепти тилнинг энг кичик бирлиги бўлган фонемадан тортиб то гипертекстемагача қўлланилиши мумкин. Бу албатта нарсрий ва назмий асарлада кўринадиган ҳолат бўлиб биз уларни қуйидаги фонема, морфема, морфофонема: , лексема, сўз туркумлардан: феъл, от, сифат, атоқли отлар, лақаб, таҳаллус, равиш, антонимлар, паронимлар (сахий- ахий, desire-aspire), синтаксемалардан: фразема, отли брикмалар, сентен-семалардан: мақоллар, сода гаплар, буйруқ гапларда, истак майлидаги гапларда қўшма гаплар, эргаши гаплар, иборалар, техтема яъни матн мазмуни ёки градация билан ифодаланган нутқлар, слистик воситалардан : градация, метонимия, метафора, жонлатриш, синекдоха, символ, эпитет, эпифора, апострофа, тадриж, перифраза, кичрайтириш, сарказм, литота, мейозис, анафора, градация, ирония каби воситалар орқали осон тушуниб олишимиз мумкин.

Кўрсатилган вербал воситалар ичида “қиёс” концептуал семантикасини воқеълантирилишида энг кўп учрайдиган турлари –дек, дай, худди, гўё, каби, сингари морфемалари ва стилистик воситалардан метафора, метонимия, муболага, ва градациялар саналади. Биз ушбу вербализаторларни бадий ва бадий бўлмаган услубдаги аксарият матн турларида кўплаб ишлатилганини кўришимиз мумкин. Айниқса –дек, -каби, -дай морфемалари ҳам сўзлашув, ҳам расмий услубда қиёсий муносабатларни адекват ҳолатда ифодалай олади.

Лекин қиёс вербализаторлари орасида шундай бир турлари мавжудки уларни жуда кам ҳолатда учратилади. Мисол учун муқояса (қилмоқ) лексемасини оладиган бўлсак, бу сўз қиёс қилиш, солиштириш, чоғиштириш;



қиёс<sup>32</sup> каби маъноларни англатади ва у ўзбек адабиётининг энг нодир асарларига айланган роман, қисса, ва хикояларида унча кўзга ташланмайди лекин баъзиларида муаллифнинг диққиятидан келиб чиқиб қўланилиши мумкин.

*Ҳозир Хатиб домла билан Бердибойнинг ташвиқотларини бир-бирига тўқнаштириб муқояса қилиб ишлайди. (А. Қодирий, Обид кетмон).*

Келтирилган мисолдан шу маъно англашиладики муқояса лексемаси “қиёс” семантикаси ифодаси учун қўлланилган лекин айнан нима учун бу сўзлиги матндан билинмайди.

“Қиёс” концептуал семантикасининг рецессив жихати ифодаланаётган тилнинг лингвокультурологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳам талқин этилиши мумкин. Чунки тилда айрим шундай метафорик ўхшатишлар борки улар бирор объект ёки воқеъликни бошқасига ўхшатилиши фақатгина ўша тилга хос ёки жуда камдан кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

Мисол учун *қора булут* сўз брикмасини оладиган бўлсак у инсон рухиятидаги салбий ҳолатлар кўрқув ички ғалаён ва тушқунлик тушунчасини беради ва деярли барча ўзбек тилидага матнларда салбий маънода ишлатилади. Оқ булут эса ижобий маъно касб этади. Бунга акси равишда япон тилшунослигида дангаса, лоқайд, илмсиз ўқитувчи осмондаги оппоқ чиройли булутга қиёсланади. Чунки унинг ёмғири йўқ ва ерга келаётган қуёш нурини тўсади дея талқин қилинади.

Яна бир қиёс семантикасини воқеълантиришда жуда кам, фақатгина шеърий асарларда учрайдиган лексема бу “*янглиз*” лексемаси бўлиб *каби, дек, га ўхшаган* деган маънони англатади. Ушбу вербализаторни оғзаки нутқ ва расмий ва бошқа услубларда учратиш жуда қийин ва у шеъриятда жарангдор ва бўёқдорлиги билан характерланади.

*Жаҳонда мен тузилган ўлкадек бир диёр бўлмас,*

*Бу янглиз боғи гулшан ҳам бу янглиз гулзор бўлмас. (Э.Воҳидов “Ўзбекистон”)*

*Ой янглиз чиройли<sup>33</sup>. (Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати)*

Бундан ташқари рангни ифодаловчи айрим брикмалар ҳам тилшуносликда мавжудки улар фақат шу ранг муносиб бўлган предметлардагина ишлатилади.

<sup>32</sup> Ne'mat Mahkamov, Ixtiyor Ermatov. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan nashriyoti" Toshkent 2013.

<sup>33</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. ТОШКЕНТ «Ўзбекистон миллии энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com kutubxonasi.



Мисол учун: *ёнгоқ ранг пальто ёки оёқ кийими*. Ушбу мисолдаги брикмаларда ёнгоқ рангига ўхшаган деган ифода кўринадиган ва табиийки бу ўхшатиш деярли бошқа предметларга нисбатан қўлланмаслиги сабаб жуда кам ишлатилади.

Инсоннинг бўй қомати кўпинча сарв дарахтига, унинг забардастлиги чинорга ва қадди эгилгани *камонга* қиёс қилинади. Лекин баъзи муаллифларнинг бирор воқеъликка яна бирини ўхшатишдаги танловидан келиб чиқиб, ўша муалифдан бошқасида учрамайдиган қиёслаш ходисасини кўриш мумкин.

*Бўйларинг бунча узундир дол бўлмай бўлмағай. (Кўшиқдан)*

Мисолдаги *дол* араб\_алифбосидаги ёйсимон харф бўлиб уни қадди эгилган инсога ўхшатиляпти.

Маълумки абабиётда “ташбих” деган сўз тушунчаси бўлиб. Ташбих (араб. – ўхшатиш) шеърий санъатнинг бири, сўзларда ифодаланган икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса ёки хусусиятни улар ўртасида мавжуд бўлган бирор ўхшашлик, умумийлик нуктаи назаридан қиёслаш. Ушбу сўз ҳам *ўхшатиш, қиёслаш, солиштириш* семантикасини беради<sup>34</sup>. Лекин жуда кам ҳолатда биз шу лексеманинг ўзини “қиёс” концептуал семантикаси вербализаторлари қаторида ҳам ифодаланганини кўришимиз мумкин.

*Ташбехга ҳолим бу дурур ўзга қиёс йўқ,*

*Соч толасидай чоки грибонида куйдим. (Сирожиддин Саидов)*

Келтирилган мисолдаги *ташбех* лексемаси *ўхшатиш учун*, деган маънони ифодалаб келган ва у ўзбек тилининг оғзаки нутқида деярли ишлатилмайди.

Сохага оид атамалардан *қалқонсимон* сўзини оладиган бўлсак у фақат тиббиёт терминларидагина *қалқонсимон без гармонлари*<sup>35</sup> сифатида фойдаланилади.

Ўзбек миллий кийимлари орасида тўн ва чорси деган тушунчалар бор. Худи шу чорсига нисбатан агар у рангли ипакда безак берилган бўлса *каптар бўйин чорси* деган қиёсли сифат ишлатилади. Яъни каптарнинг бўйин соҳасидаги ялтироқ рангларга қиёс қилинади. Бундай қиёслаш жуда кам ишлатилиб фақатгина тўй маросимларида куёвболанинг сарполарини айтганда оддий эмаслигини ва даражасини сифатини, қиёсини юқорироқлигини айтиш учун ишлатилади.

“Қиёс” концептининг уникал жихати ҳақида гап борганда албатта юқорида таъкидлаганимиздек бу ҳодиса тилнинг характери ва фақат бир тил эгаларига таниш тушунчалар эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Чунки бизни ўраб турган борлиқдаги барча воқеълик ва предметлар турли тилларда

<sup>34</sup> Qomus.info onlayn ensiklopediya.

<sup>35</sup> Medlife.uz



турлича шаклда бошқасига қиёсланади. Мисол учун *беш кунлик дунё, умр оқар дарё, қўзичоғим, она қизим, ота ўғил, арслоним* каби ўхшатишлар туркий тилар оиаласига кирувчи адабиётларда кўп учрайди.

«Маладес, ота ўғил!» – деб қўйди ва алоҳа тил учида айтилган «олинг-олинг»ларга жавобан: «Ўзларингизам олиб ўтирингизлар», – деди-да, нонга баҳузур қўл узатди. (Абдуқаюм Йўлдош. “Ота ўғил” ҳикояси)

Инглиз адабиётидаги бъази манбаларда *севги- океанга* :

*Love is an ocean you can run but you can not hide.* (M. Talking “My lonely girl”)

Денгизчиларнинг таърифига кўра эса *океан – об ҳаво ошхонаси* га қиёс қилинади. Бундан ташқари уддалаб бўлмайдиган ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган вазиятларни *Шаршарага қарши тупириш* га ўхшатилади.

Демак “қиёс” концептуал семантикасини воқеълантирувчи вербал воситаларнинг аксарияти барча тилларга хос бўлади ва деярли барча услубларда ишлатилади. Лекин улар орасида шундай бир ўхшатишлар мавжудки жуда кам учрайди, биз уларни фақатгина бир тил ёки бир тилнинг маданиятига хос вазиятда акс эттирилганини кузатишимиз мумкин. Бу эса “қиёс” концептуал семантикасининг рецессив ва уникал жихатларини акс эттиради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ne'mat Mahkamov, Ixtiyor Ermatov , “Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati”, O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi “Fan nashriyoti” Toshkent 2013.
2. Ҳожиёв А “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”. ТОШКЕНТ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.
3. Абдуқаюм Йўлдош. “Ота ўғил” ҳикояси. 1962, [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz).
4. А.Қодирий “Обид кетмон” асари, 1934 [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz).
5. Сирожддин Саидов “Куйдим” шеъри.
6. Э.Воҳидов “Ўзбекистон” шеъри.
7. [Medlife.uz](http://Medlife.uz).
8. [Qomus.info](http://Qomus.info) onlayn ensiklopediya.